

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2021-3
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2021

Ражабов З.П., Жуманиязов Ф.К. Гўзанинг янги истиқболли Хурма нави	111
Сафаров А.А., Сафаров С., Султонов Д., Баҳридинов А. Пахта хом-ашёсини сақлаш жараёнида ҳарорат ўзгаришини сифат таъсирини ўрганиш	113
Сулаймонов И.Ж., Жўраев А.А. Минерал ўғитлар меъёрларини қанд лавлагининг илдизмевасида шакар тўпланишига боғлиқлиги	115
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Djurayev M.K. Axborotni kiritish va uzatish usullari yordamida matnlardagi xatolarni kodlash	120
Ходжиев Х.Ш., Камалова М.Б. Саноат оқава сувларини қўмир адсорбентлари ёрдамида тозалаш	125
Шодиев А.З., Асланов Б.М., Ходжиев Х.Ш., Камалова М.Б. Исследование качества кирпича на основе нетрадиционных добавок	127
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Allanazarov S. Qadimgi xorazm madaniyati tarixiga oid manbalarning qiyosiy tahlili	133
Qayumova F.I. Xiva xonligi tarixini o'rganishda manbalarning o'rni	135
Бекимметов У. Советларнинг колективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсатига қарши Хоразмдаги халқ ғалаёнлари	137
Машарипов Қ. Хоразмшоҳ – Ануштегинлар давлатида ҳарбий санъат тараққиёти	139
Машарипов Қ.Ю. Жалолиддин Мангуберди қўшини сони хусусида баъзи мулоҳазалар	143
Машарипов Қ.Ю. Жалолиддин Мангубердининг Кавказорти давлатлари билан сиёсий муносабатлари муаммоси	146
Рашидов О.Р. Бухорода жадидчилик ҳаракати ва унинг Ёш бухороликлар партиясига айланиши	149
Савриев Ж.Ф. Карманадаги Работи-малик сардобаси қурилиш лойиҳаси - қайта таъмирланиши, маиший аҳамияти	153
Тошбоева З. Амир Музаффар бошқаруви Аҳмад Дониш нигоҳида	159
Хакназаров Х.Д. Ҳарбий анъаналар – ҳарбийлар кундалик турмуш-тарзининг муҳим аспекти сифатида	161
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Ruzmetov Sh., Xudayberganov D., Yusubov I. Banklarning raqamlashtirilgan xizmatlar ko'rsatishni takomillashtirish yo'llari	166
Сапаева Н.Қ. Минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва унинг омиллари	169
Халикова Л.Н. Форобийнинг иқтисодий масалалар бўйича фикрлари	173
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Abdunazarova I.M. The role of foreign language in formation the worldwide of students	177
Ahmedov U. O'zbek va ingliz maqollarining badiyati qiyosi	178
Anvarova S.Sh. "Devonu lug'otit-turk"dagi monarx tushunchasi R.Dankoff tarjimasida	181
Fayzieva D.U. Development of speech culture in russian language classes	183
Husainova Sh.E. "Qutadg'u bilig"ning inglizcha tarjimasida iloh tushunchasining ifodalanishi	185
Khodjieva R.A. The tendency of creating a modern textbook	187
Nigmatova L.X. O'zbek tilining umumiy izohli lug'atlarida til va ma'naviyat yaxlitligi muammosi	189
Pirnazarova M.M. Tarixiy haqiqat va badiiy talqin	194
Rajapova U. "Lahjatu-l-lug'ot" – alisher navoiy asarlari leksikasi tadqiqida muhim manba	197
Sharakhimov Sh.F. Helpful strategies to reinforce vocabulary	199
Sodiqova I.I. Instructional strategies for teaching efl classes with students of different levels	201
Talibjanova A.L. Theoretical basis of youth slang in the publicist discourse of the english language	204
Xamidova T.R. Zamonaliv nemis tilida yangi atamalarini shakllantirish usullari	206
Абдуллаев Ҳ., Ражаббоева Н. Оғаҳий ижодининг теран талқинлари	207
Артыкова Г.Ш., Ваисова А. Цветовые прилагательные в художественном тексте	210
Атаканова В.Р. Адабиёт дарсларида F.Ғуломнинг ўхшатиш санъатидаги маҳоратини ўргатиш	213
Гафарова З.З. Тема – рема нутқий тузилмалари ва уларнинг контекст билан ўзаро муносабати	216
Гафурова Д.Х. Формирование грамматического строя речи дошкольников	219
Гудзина В.А. Проблема реализации концепции счастья в поэзии Зульфии	222
Ғаниева О.Х., Садуллаев Ф.Б. Жон Стейнбекнинг "Жавоҳир" ҳамда Одил Ёқубовнинг "Муқаддас" қиссалари қиёсий таҳлили	225
Дарвишов И. Наманган қипчоқ шевалари фонетик-фонологик тизимидағи ундошларнинг тарихийлик белгилари	230

Наконец, третьей доминирующей темой в стихах Зульфии является любовь к жизни: согласно ее стихам, через радость от житейских забот, от наблюдения за отарами овец, луной, прогулки по тюльпанному полю, можно обрести счастье, которое воплощается в радости каждому новому дню.

Женщина-мать Зульфия мечтала видеть свою родину, любимый Узбекистан, в мире и согласии, хотела радоваться ее успехам и достижениям. Испытывать чувство материнства – великое счастье, а счастье матери-поэта заключается в красоте, здоровье своего народа. Ведь счастье народа – высшая мера личного счастья.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Зульфия. Строки памяти. – М.: Сов.писатель, 1978. – 199 с.
2. Кулиев К.Так растет и дерево. – М.: Современник, 1975. – С.355.
- 3.Умуррова Г.Х. Художественный мир и поэтическая школа Зульфии: автореферат дис...доктора филол.наук (DSc). – Самарканд, 2019. – С.53.
- 4.Умуррова Г.Х. Зулфия ижодига адабий таъсирнинг самаралари //Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. 2019, № 1. – С.44-48.
5. Эрдонов З.Д. Поэтика и жанры образов произведений Зульфии // Вестник науки и образования. 2019, № 21 (75). Часть 1. – С.64.

УЎК: 82.091-32

ЖОН СТЕЙНБЕКНИНГ “ЖАВОҲИР” ҲАМДА ОДИЛ ЁҚУБОВНИНГ “МУҚАДДАС” ҚИССАЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

O.X.Ғаниева, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро
Ф.Б. Садуллаев, катта ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов жаҳон адабиётига юксак ҳисса қўшган забардаст адабиёт вакиллариdir. Мазкур мақолада Жон Стейнбекнинг “Жавоҳир” ва Одил Ёқубовнинг “Муқаддас” қиссалари муқояса қилинади. Улардаги бир қатор ўхшии жиҳатлар, ҳар иккала асарни ўзаро яқинлаштирувчи омиллар - мавзу, гоя, конфликт, сарлавҳа, қаҳрамон, айниқса аёл образлардаги ўхшии қирралар таҳлилга тортилади.

Таянч сўзлар: Жон Стейнбек, Одил Ёқубов, реалист, қисса, мавзу, гоя, конфликт, сарлавҳа, қаҳрамон, инсон, жамият,

Аннотация. Жон Стейнбек и Адил Якубов выдающиеся представители литературы которые внесли огромный вклад в развитию мировой литературы. В данной статье рассматривается сравнительный анализ повестей “Жемчужина” Джона Стейнбека и “Муқаддас” Адила Якубова. Некоторые сходства в этих повестях, сходства между тем, идеи, конфликта, заглавие и героев произведений, особенно схожие характерные черты героян обсуждены.

Ключевые слова: Джон Стейнбек, Адил Якубов, реалист, повесть, тема, идея, конфликт, заглавие, характер, человек, общество.

Abstract. John Steinbeck and Adil Yakubov are the prominent literary representatives who greatly contributed to the development of world literature. The following article draws some views about the comparison of the works “The Pearl” by John Steinbeck and “Mukaddas” (“Sacred”) by Adil Yakubov. The similarities between the literary themes, main idea, conflict, title and characters of the works are discussed in the paper.

Key words: John Steinbeck, Adil Yakubov, realist, novella, literary theme, main idea, conflict, title, character, person, society.

Хозирги халқаро алоқалар жадал ривожланаётган глобаллашув жараённида адабиёт намояндаларининг ўзаро таъсири бекиёс. Адабий танқидчи А.Қосимов фикрича, биз ҳар бир миллий маданиятнинг яшashi ва равнақи учун тарихий зарурат саналган миллатлараро алоқалар авж олаётган даврда яшамоқдамиз [15]. Жамият ривожининг ушбу босқичида ижтимоий-гуманитар, жумладан, адабиётшунослик мавқеъининг ошиб бориши бадиий ижод ва маданият соҳалари қаторида ижтимоий онг ривожига ҳам таъсир ўтказмоқда. Бу адабиётлараро алоқалар ва таъсир масалаларига ҳам дахлдордир. Турли кўринишдаги адабий алоқалар эса барча даврларда адабиётнинг яшashi ва тараққиёти учун муҳим омил саналган. Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов жаҳон адабиётига қўшган хиссаси мислсиз даражада бўлган забардаст адабиёт вакиллариdir. Ҳар иккисининг индивидуал услубидаги ўзига хосликка қарамай, “Жавоҳир” ва “Муқаддас” қиссаларида бир қатор ўхшаш жиҳатлар кўзга ташланади. Мазкур мақолада ҳар иккала асарларни ўзаро яқинлаштирувчи қирралар таҳлилга тортилади.

ХХ аср Америка адабиётининг етук муаллифларидан бири, Нобель мукофоти совриндори Жон Стейнбек ижодида “Жавохир” қиссаси сезиларли ўрин эгаллади [4]. Асар ёзувчининг Мексика ғарбий соҳилларига қилган икки ойлик сафари давомида маҳаллий халқ тилидан айтилган бир афсонага асосланган бўлиб, жамиятдаги ижтимоий адолатсизликларни акс эттиради. Муқаддимада таъкидланишича, бу хикоя шу қадар кўп марта айтилганки, ҳар бир инсон хотирасидан жой эгаллаган [1]. Халқ юрагида яшаётган ушбу афсоналарда, факат яхши ва ёмон, оқ ва қора, эзгулик ва ёвузлик мавжуд, оралиқда бошқа ранглар мавжуд эмас. Агар бу чўпчак бўлса, ҳамма ундан маъно олади ҳамда ўз ҳаётини ундан ўқийди[9,1]. Ҳақиқатдан ҳам, “Жавохир” - бадиий ва гоявий жихатдан Стейнбекнинг аҳамиятли қиссаларидан бири. Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг мураккаб турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёт адолатсизликларини содда ва ҳалқона тилда ифодалади.

Одил Ёқубов ҳам ўзбек романчилигининг тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган ижодкорлардан биридир. Унинг асарларида инсоний муносабатлар, давр ва шахс тақдири масалалари чукур таҳлил қилинади. Одил Ёқубов ўз ижоди давомида бир қанча эскирмайдиган, вакт-соати ўтгандай кўринса-да, китобхоннинг корига ярай берадиган асарлар яратиш баҳтига мұяссар бўлган адидир [12]. “Муқаддас” қиссаси ҳам ана шундай йиллар силсиласи давомида ўз жозибасини йўқотмаган, энг муҳими, ёзувчининг бош эстетик принципларини белгиловчи асарлардан саналади. Озод Шарафиддинов қайд этишича, қиссага жозиба баҳш этган, уни ўша йиллардаги адабий ҳаётда салмоқли воқеа даражасига кўтарган, китобхонлар оммасининг меҳрини қозонишига сабаб бўлган нарса шуки, ёзувчи эҳтиоросиз, лоқайд баёнчиликдан воз кечиб, тасвиrlанаётган воқеаларнинг моҳиятини тадқиқ қилиш йўлидан боради ва бунинг натижаси ўлароқ муҳим ҳаётий муаммоларни ўртага ташлайди [11, 196]. Айтиш жоизки, бадиий адабиётнинг асоси ҳаёт, ҳаёт мунтазам янгиланиш, ривожланиш жараёнида экан, адабиёт ҳам ўзгариш ва тараққий қилишда давом этади. Одри Фарли (Audrey Farley) таъкидлашича, ижтимоий жаҳолат модернизмнинг бир элементидир [16]. “Жавохир” ҳамда “Муқаддас” ҳаётнинг машаққатли йўлларини чукур акс эттирган ва жамият иллатларининг оқибатлари нақадар инсон тақдирини аянчли аҳволга олиб келишини ифодалай олган қиссалардир. Ушбу асарларда қаҳрамонлар қисмати, ҳаётидаги туб бурилишлар, қалтис вазиятлар изчил ёритилади. Иккала муаллиф ҳам ижтимоий разилликлар инсоният келажагига кескин таъсир кўрсатишини ёритадилар, чунки ушбу асарларда воқеалар мустамлака тузумга эга жамиятда бўлиб ўтади. Ёзувчилар ўз қаҳрамонларини чукур ва ёрқин, бадиий мукаммал тасвиrlашда уларнинг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратадилар. Қаҳрамонлар ва жамият муносабати асарлардаги бир-бири билан узвий боғлиқ образлар тизими воситасида амалга оширилади. “Жавохир” қиссасида Кинонинг, “Муқаддас” қиссасида Шарифжоннинг ҳолати, ҳатти-харакати тўлақонли ёритилишида уларнинг атрофдаги кишилар билан муносабатлари эътиборга моликдир. Кинонинг оламини ифодалашда Стейнбек Хуана, Хуан Томас, Аполония, Койотито, Доктор, Рухоний, марварид сотувчилар ҳамда қабиладошлар образларига ҳам маълум гоявий вазифа юклайди. Шарифжоннинг қиёфаси ёритилишида Муқаддас, Шарифжоннинг онаси, Салим Каримович, Сулаймон Акрамович, Азизов, Цой, Кулоянц, Тўлаган каби образларнинг вазифаси аҳамиятли.

Стейнбек Испания мустамлакаси бўлган Мексика соҳилларида яшайдиган Кино ва Хуана оиласи изтиробларини тасвиrlаётib, оддий ҳалқнинг аччиқ қисмати, ижтимоий камситилиш ва синфлараро tengsizlik муаммоларини ёритади. Гарчи бош қаҳрамон “Оlam жавоҳири” деб аталмиш улкан марваридни топганида, ўзининг ёрқин келажагига ишонсада, ўғлидан жудо бўлган дақиқада марварид ўз қийматини йўқотади ва Кино уни уммонга қайтиб улоқтиради. Чунки у шу қимматбаҳо тош туфайли атрофидаги яхши ва ёмон, эзгу ва разил, меҳрибон ва золимларнинг асл мақсадларини тушуниб этади. Чор Россияси мустамлакаси саналган давлатда истиқомат қилган Шарифжоннинг ачинарли ҳикоясини тасвиrlаш орқали Одил Ёқубов ҳам мустамлакачилик ҳукмронлик қилган жамият оддий инсонлар ҳаётини вайрон қилишини акс эттиради. Қиссада ўрта мактабни эндингина тутатиб, катта ҳаёт йўлида биринчи мустақил қадамларини қўяётган, шу йўлда мураккаб ва чигал ҳаётий муаммоларга дуч келиб, уларни ҳал қилиш йўлларини қидираётган ва шу жараёнда ўзлари учун яшаш сирларини кашф этиб, улғаяётган Шарифжон ва Муқаддасларнинг бошидан кечган воқеалар тасвиrlанади. Муаллиф қиссада даврнинг актуал ҳаёт материалига – кўпчиликнинг ҳаёлида юрган, одамларга тинчлик бермаётган масала - виждан поклиги билан нопоклик орасидаги зиддиятга мурожаат этади [14]. Кишилараро муносабатларга худбинлик аралашиб қолгудек бўлса, бу факат битта-иккита одамга эмас, балки ҳаёт тарзимизга, жамиятимизнинг асосига зарар келтиришини кўрсатади. Энг муҳими, адаб худбинликнинг нақадар хавфли иллат

эканини ана шундай шахслар онгига етадиган, уларга таъсир қиладиган даражада ифодалаб беради. Озод Шарафиддинов таъкидлашича, инсон ўзи танлаган ҳаёт йўлидан адашмай ўтиши учун илк қадамлариданоқ юксак маънавий принципларга амал қилиши, уларни доғ туширмай пок сақлаши керак. Улар одам учун энг муқаддас нарсалар бўлиши керак. Улардан чекиниш ёки уларга хиёнат қилиш одамга оғир изтироблар, мушкул мусибатлар келтиради [11, 196]. Қисса икки ёшнинг баҳтсизлиги билан яқунланади, чунки улар ҳаётларидағи принципларига қарши борадилар, айниқса бош қаҳрамон Шарифжон ҳам севгисига, ҳам муваффақиятга эришиш йўлида ҳасадчи инсонга айланади. Бироқ у асар сўнгидаги иккаласидан ҳам мосуво бўлади. Рус ёзувчиси Максим Горький мавзуни адабиётнинг иккинчи унсури деб атайди, чунки ғоя мавзуларни ўз ичига қамраб олар экан, у ёзувчинг образли, эмоционал ва умумлаштирилган фикридир. Ҳар иккала қисса ҳам бир неча адабий мавзуларни қамраб олади. Оскар Уайлд “Дориан Грейнинг портрети” асарида “Фикр ва сўз санъаткор учун санъат воситасидир. Иллат ва фазилат - унинг ижоди учун материалдир”, дея таъкидлайди [10, 116]. “Жавоҳир” қиссаси ҳам ана шундай иллат ва фазилатларни ўз ичига олиб, бир қатор мавзуларни ёритади.

- | |
|---|
| <i>а) ҳасад</i> — Доктор ва жавоҳирни эгаллаш учун сотувчилар образлари мисолида; |
| <i>б) оила</i> — Кино ва Хуана, Хуан Томас ва Аполонияларнинг оиласидан ҳам мосуво бўлади. Оиласидан ҳам мосуво бўлади; |
| <i>в) баҳт</i> — қаҳрамонлар оиласидан ҳам мосуво бўлади; |
| <i>г) бойлик</i> — дунё жавоҳирини эгаллаш; |
| <i>д) келажакка умид</i> — Кино фарзанди маълумотли бўлишини ният қилади, марварид унга эркинлик олиб келишига умид қилади; |
| <i>е) садоқат</i> — Кино ва Хуана, Томас ва Аполонияларнинг ҳаёт машаққатларини биргаликда енгизилади; |
| <i>ж) қайегу</i> - Койотитонинг ўлеми, келажакка бўлган ишончнинг йўқолиши; |
| <i>з) коррупция</i> — Докторнинг Койотитони даволаш учун таъмагирлик қилиши. |

Стейнбек инсон ҳаётида оила ва яқинлар ўрни тенгсиз эканини уқтиради, шунинг учун жавоҳир бехуда бойлик рамзига айланади.

“Муқаддас” асарида ҳам Одил Ёқубов ҳаётнинг ўзидан олган завқини, ўз юрак дардини, ҳаяжонларини изҳор этади, ўзи қаламга олган ҳаёт ҳодисаларини, персонажлар қалби ва руҳиятини мураккаблиги, зиддиятлари, чинакам нафосати билан китобхонга етказа олади [5]. Адид воқеаларни тасвирлаш, образларни танлаш орқали бир қатор мавзулар ёрдамида ўз нуктаи назарини намоён этади:

- | |
|--|
| <i>а) оила</i> – Шарифжоннинг оиласидан ҳам мосуво бўлади; |
| <i>б) муҳаббат</i> – Шарифжон ва Муқаддаснинг севгиси; |
| <i>в) баҳт</i> – бош қаҳрамонларнинг ўзаро самимий муносабат қурган даврдаги хислари; |
| <i>г) дўстлик</i> – Шарифжоннинг ҳар қандай қийин вазиятларда ёрдамга тайёр дўстлари; |
| <i>д) хиёнат</i> – Шарифжоннинг ўзи билмаган ҳолда хиёнат қилиши, Муқаддаснинг умидли келажагини бузиши; |
| <i>е) коррупция</i> – жамиятда илдиз отган иллатлардан бири сифатида Салим Каримовичнинг имтиҳонда қилган қинғир ишлари; |
| <i>ж) лоқайдлик</i> – жамиятдаги бефарқ инсонлар тасвири. |

Қайд этиш жоизки, инсон меҳр топиш, оқибат кўрсатиш учун яшайди, деган тушунча ёзувчининг барча қиссаларига хос. Одил Ёқубов сабр, матонат, адолат, иродат, ҳалоллик, поклик, айниқса, қалб поклиги каби туйғулар муқаддас эканлигини таъкидлайди, дўстлик ва муҳаббат инсон ҳаётида фақат соғ муносабатлар асосида курилишини китобхонга уқтиради, қиссада илгари сурилган ҳар қандай вазиятда инсон бўлиб қолиш лозим деган концепция кишини ром этади [7].

Рус ёзувчиларидан бири А.Чехов таъбири билан айтганда, ғоя бадиий асар тақдирини ҳал қилувчи негизидир [10, 122]. Кўриниб турибдики, Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов ҳам асарларини узоқ кузатувлар, воқеаларни таҳлил қилиш, муаммолар илдизини ўрганиш асосида ёзганлар. “Жавоҳир”да Кино ва Хуананинг келажакка ишончидан ажраши, жаҳолатга қарши кураши, “Муқаддас”да Муқаддаснинг аянчли қисмати, Шарифжоннинг адолатсизликка қарши исёни, мустамлака жамият инсон ҳаётини вайрон қилишини акс эттиради. Шу боисдан, гарчи асар сўнгидаги кулфатлар қаҳрамонлар хатоси туфайли содир бўлса ҳам, уларнинг тақдирни китобхонни бефарқ қолдирмайди. Аксинча, ўқувчининг қалбида уларга нисбатан ачиниш туғилади. Ҳар иккала муаллиф жамиятдаги маънавий ва ахлоқий муаммоларга ўз муносабатларини шу тарзда ифодаладилар. Маълумки, конфликт сюжетни ҳаракатга солувчи куч бўлиб, унинг таъсиридорлигини, қизиқарлигини, кўламини белгиловчи унсурдир. Мазкур қиссаларда учала конфликт турларини учратамиз. Психологик (рухий), ижтимоий ва шахсий

конфликт турларини “Жавоҳир”да Кино Хуанага, Докторга, марварид сотувчиларга, Руҳонийга қарши кураш олиб борадиган вазиятларда гувоҳи бўламиз.

а) Кино Хуанага қарши – Хуана улкан марварид ёвузлик келтиришини ва оиласи учун хавф эканлигини англайди, уни яширинча уммонга отмоқчи бўлади, аммо Кино Хуанани тутиб олади ва марваридни қайтиб олиш учун уни дўппослайди, бу *шахсий конфликт* намунаси;

б) Кино акаси Хуан Томасга қарши – яна бир *шахсий конфликт*га қуйидаги воқеа мисол бўлади. Кино ўт чиқиши натижасида уйидан ажраб қолганида, Хуан Томасдан бошпана сўраб боради. Хуан Томас эса жавоҳир туфайли вужудга келган муаммолардан ташвишланиб, Кино ва Хуанага ёрдам беришга иккиланади;

в) Кино Докторга қарши – асосан “Жавоҳир”да инсон ва жамият муносабатларида кескин қарама-қаршиликнинг гувоҳи бўламиз. Койотитони чаён чағанида, ота-онаси камбағаллиги боис Доктор ёрдам бермайди. Докторнинг ижтимоий табақаси сабабли ёрдамлашмагани *ижтимоий конфликт*га мисол бўла олади;

г) психологик (руҳий)конфликт – Кино жавоҳир унга умид бахш этгани учун океангайта отишга иккиланади. Шунингдек, Хуана Койотитони Докторга текшириш учун беришда ҳайрон бўлади, чунки унга ишонмайди. Шу каби бир неча ўринларда қаҳрамонлардаги психологик конфликтнинг гувоҳи бўламиз.

“Муқаддас” қиссасида ҳам ҳар учала кофликт турларини учратамиз. Шарифжон ўгай отасига, институт ўқитувчиларига ва дўстларига қарши турганида мазкур конфликтларнинг барча турларининг гувоҳи бўламиз:

а) Шарифжон ҳамкасларига қарши – Шарифжон институтга ўқишга киришни истаганида, ҳамкаслари қаршилик кўрсатадилар, у эса ўз мақсадида қатъий туриб курашиши *шахсий конфликт*га мисол бўла олади;

б) Шарифжон ўгай отасига қарши – яна бир *шахсий конфликт* намунаси сифатида қуйидаги воқеалар ривожини кўришимиз мумкин. Шарифжон ўгай отаси билан муносабати яхши бўлмагани сабабли, унинг ишларига аралашишини истамайди. Бироқ асар сўнгидаги Шарифжон Салим Каримович илтимоси билан Муқаддаснинг ўрнига талабаликка қабул қилингандиги ойдинлашади;

в) психологик (руҳий)конфликт – Одил Ёқубов асарларида асосан психологик (руҳий) конфликт етакчилик қиласи. “Муқаддас” қиссасида ҳам Шарифжон ёлғиз қолганида Муқаддас хақида ўйлади, ички бир тутғен қаҳрамонни қизга бўлган муносабатларини намоён этади. Шарифжон Муқаддас билан бирга бўлиши, умр ўйлларини бирга туташиши каби ширин хаёллар оғушида вақт ўтказади.

Шубҳасиз, сарлавҳа бутун бадиий асар мазмунини ўзида гавдалантиради ва бошиданоқ китобхонни ўзига жалб қиласи. Сарлавҳа бир ёки бир неча сўздан иборат бўлади ва юздан ортиқ саҳифага сочилган мазмунни ўзида аниқ мужассам этади. Жон Стейнбек ва Одил Ёқубов қиссаларининг сарлавҳалари ҳам ўкувчи дикқатини дарҳол тортади. Уларда муаллиф фикрларининг, бош ғоя ва асосий мазмуннинг ифодасини кўрамиз.

Жон Стейнбек қиссани “Жавоҳир” деб номлайди, чунки барча воқеалар марварид билан боғлиқ. Марварид қимматбаҳо тош, уни фақат уммон остидан топиш мумкин, шу боисдан ҳам у бебаҳо. Қиссада Кинонинг эркинлиги, оиласи, ҳаёти, ўғли ва қайифи унинг учун қадрли ва қимматбаҳо. Асар сўнгидаги эса у энг бебаҳо инсонини – ўғлини, келажакка бўлган умидини йўқотади. Адиб қиссада маънавий муаммоларни чўқур таҳлил этади, бу билан ҳаётнинг янги қирраларини қаламга олади. Жамият ҳаётининг мустабид тузум шароитида маънавий-ахлоқий муаммоларга тўлиб-тошиши, энг аввало, одам қадри, табиат, миллат қиммати, унинг урфодатлари, барчаси камситилиши бадиий гавдалантирилади. “Жавоҳир”да нафақат дунё жавоҳирини қўлга киритган Кино ва унинг қабиладошлари турмуш тарзи, орзу ва интилишлари, умид ва армонлари, баҳт ва баҳтсизликлари, балки бутун инсониятни ташвишга солаётган масалалар акс эттирилади. Зукко ва истеъододли ёзувчи ана шу ҳақиқатни муайян бадиий қолипга солиб айта олди. Одил Ёқубов қиссасини бош қаҳрамонларидан бирининг номи билан атайди. Муқаддас институтга ўқиш учун узоқ қишлоқдан келган ёш қиз. У оиласининг ягона фарзанди, отасининг келажакка бўлган ишончи ҳамда умиди. Муқаддас софлик, гўзаллик, самимийлик, муҳаббат, ҳалоллик ва виждан рамзи, жамият шундай инсонни завол қиласи. Шарифжон ҳам мазкур самимий ҳисларни сақлай олмагани боис суюкли кишисидан айрилади. Ушбу қиссалар муқояса қилинганди, эътиборни тортган яна бир жиҳатга тўхталсак. Иккала асарда ҳам бир қараашда аёл образлар ожиза инсонлардек тасаввур уйғотади. Аслида ҳам шундайми? Хуана ва Муқаддас тақдир измига сўзсиз итоат қилдиларми? Уларда исёнкорлик сезиладими? Хуананинг асар конфликтida тутган роли кучайиб боради,

бошида итоаткор аёл сифатида гавдалантирилади, аммо воқеалар ривожланган сайн унинг иродаси мустаҳкамланиб, кучли характерга айлана боради. Кино мушкул вазиятда қолганида ўзининг оқилона фикрларини билдириб, ёлғизлатиб қўймайди. Хуана нафақат меҳрибон она, ҳамдард турмуш ўртоқ, балки масъулиятли рафиқа сифатида хаёт зарбаларига қарши Кино билан тенг курашади. “Now, in an instant, Juana knew that the old life was gone forever. A dead man in the path and Kino's knife, dark bladed beside him, convinced her. All of the time Juana had been trying to rescue something of the old peace, of the time before the pearl. But now it was gone, and there was no retrieving it. And knowing this, she abandoned the past instantly. There was nothing to do but to save themselves” [9, 78]. Кино реал хаёт ва ҳаёлий орзулар ўртасида чалкашиб, қалбини алдамчи сароблар банд этган бир пайтда, Хуана соғлом фикрловчи, доно, жасур, ақлли аёл сифатида турмуш ўртоғига тўғри йўл кўрсатишга уринади. Жавоҳир топилгунгача кечган шодон кунларни қайтаришга, Кинони бошига келаётган мусибатларни олдини олишга ҳаракат қиласди. Қиссанинг сўнгига қадар оилани муқаддас биладиган фидоий аёл мисолида гавдаланади. “Juana in her woman's soul, knew that the mountain would stand while the man broke himself; that the sea would surge while the man drowned in it. And yet it was this thing that made him a man, half insane and half god, and Juana had need of a man: she could not live without a man. Although she might be puzzled by these differences between man and woman, she knew them and accepted them and needed them. Of course she would follow him; there was no question of that” [9, 79]. Хуана ҳаётда ҳам эркакнинг, ҳам аёлнинг ўз ўрни ва вазифалари борлигини яхши тушунади, хеч қачон Кинони тарқ этиши мумкинлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмайди. Аксинча турмуш ўртоғининг ҳар қандай қарорини тўғри тушунишга, ижобий ёндашишга ҳаракат қиласди. Стейнбек ожиза аёл образи танламади, Хуананинг итоати, матонати, сабр ва бардоши, ўрни келганда жасурлиги, садоқати унинг ўта ақлли экани, турмуш ўртоғини ҳар қандай вазиятда қўллашшга ва таянч бўлишшга тайёр ҳарактер эгаси эканлигини ифодалайди.

Одил Ёқубовнинг Муқаддаси ҳам бир қарашда Хуанадек итоаткор, камгап ва тажрибасиз ғўр қизга ўхшайди. Унинг оиласи, отаси ва онаси, дўстларига меҳри чексиз. Янги ҳаёт бўсағасида турган ёшгина қизнинг орзулари бепоён, дунёқарashi кенг ва беғубор ёшликтнинг мутлақ тимсоли. “Унинг чехрасида, ҳатто бутун қиёфасида ҳали гард юқмаган ёшлик ва беғубор қизлик иффати барқ уриб” туради [2, 336]. Муқаддаснинг Шарифжонга бўлган ҳамдардлиги унинг яқин инсонларига бўлган фидоий муносабатини ифодалайди. Маъсума қизнинг жонкуярлиги, илиқ муомаласи уни ўзга қизлардан ажратиб турувчи хислатларидан биридир. Чунки Муқаддас шу қадар хушмуомалаки, у “буйруқ бермас, у фақат илтимос қилар” эди [2, 347]. Бир сўз билан айтганда, у баркамол инсон рамзи сифатида гавдаланади, чунки “унинг чехрасидаги поклик, беғубор қизлик иффати, ҳам тортиниб, ҳам севиниб гапиришилари кишини қандайдир софликка, самимиликка ундарди” [2, 364]. Аммо воқеалар чигаллашган сари, Шарифжон қийинчиликларга дуч келган сайн Муқаддаснинг қатъияти, кескинлиги ошиб боради, Шарифжонга мадад беришшга, қўллаб-кувватлашшга ҳаракат қиласди. Шу боисдан қисса сўнгига ўзаро муносабатлардаги якуний ҳал қилувчи қарор Муқаддас томонидан амалга оширилади. “Бу бир ой менга катта сабоқ бўлди. Ақлим кирди. Ниҳоят шуни ҳам тушундимки, олдин ишлаб кейин ўқии фақат меҳнатни ҳурмат қилиши ва чиниқии учунгина эмас, одам таниш учун ҳам зарур экан” дея Шарифжон билан муносабатларига нуқта қўяди [2, 413]. Одил Ёқубов Муқаддаснинг тилидан Шарифжонга ўхшаган кўплаб йигитларга қаратади ўз фикрини ёритади. Чунки “халқнинг «Инсофли одам ошини ер; инсофсиз бошини» деган мақолида мужассамланган ҳаётнинг энг улуг қонунларидан бири” бош қаҳрамон Шарифжон учун ҳам яхши ҳаётий сабоқ бўлди [2, 414].

Ҳулоса қилиб айтганда, реалист ёзувчилар Жон Стейнбек ва Одил Ёқубовлар турли хил жамиятда яшасаларда, ҳаёт ҳақиқатини ўз қиссаларида акс эттиридилар. Фарқли ёзиш услубига эга бўлсалар ҳам, бир-бирига ўхшайдиган адабий мавзулар асосида муштарак ғояни танладилар. Гарчи Кино ва Шарифжон эзгу мақсад билан ёрқин келажак сари олға қадам ташласалар ҳам, улар баҳтсизликка рўпара бўлдилар. Ҳар иккала ижодкор рамзий маънога эга қисқа ва лўнда сарлавҳа танлар экан, китобхоннинг дикқатини қиссанинг биринчи мисралариданоқ торта олди, конфликтнинг барчасидан фойдаланиш негизида аёл қаҳрамонлар Хуана ва Муқаддаснинг сабри ва бардошини имтиҳон қилдилар. Аммо аёл образлар ўзининг инсоний шаъни ва қимматини сақлаб қола олди, улар Кино ва Шарифжонга ҳаёт йўлларида маёқ бўла оладиган сабоқ бердилар. Мазкур қиссалар ўз бадиияти билан китобхонни жалб этиш билан бирга, унинг қалбидан жой олди. Сўнгги сўз ўрнида шуни айтиш жоизки, инсоний ҳар қандай муқаддас туйғу бебаҳо жавоҳирдир, уни йўқотишни истамаган ҳар бир инсон асрай олмоғи даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Батурин С. С. “Джон Стейнбек и традиции американской литературы” М.: Художественная литература, 1984.- С.354
2. Ёкубов О. Кўхна дунё. Сайланма. Биринчи жилд. Т: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986. – В.512
3. Жданова Л. И. “Писатель Джон Стейнбек и СССР” дисс. ... к. филол. н. М., 2016.
4. Мулярчик А. С. Современный реалистический роман США. 1945-1980. М.: Высшая школа, 1988. – С.177
5. Норматов У. Ижод сехри. Т.: Шарқ, 2007. – В.352.
6. Осьмухина О.Ю. “Проблема человека в романах Дж. Стейнбека “Гроздья гнева” и “Зима тревоги нашей”” Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2018. № 3(81)
7. Расулова У. XX аср ўзбек қиссалари тадрижи. Т.: Фан, 2012. – В.60.
8. Shakil R. (2018) Unveiling Multiple Themes and Concerns: A reading of John Steinbeck’s Of Mice and Men. IMPACT: International Journal of Research in Humanities, Arts and Literature (IMPACT: IJRHAL) ISSN (P): 2347-4564; ISSN (E): 2321-8878 Vol. 6, Issue 9, Sep 2018, 51-58. <http://oaji.net/articles/2017/488-1538223359.pdf>
9. Steinbeck J. The Pearl. N.Y: Bantam books. 1970. – Р.118.
10. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Т.: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi, 2004. – В.264.
11. Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Т: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976.-
B.232
12. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. Т.: Шарқ, 2004.- В.640
13. Шермуҳамедов П. Давр қаҳрамон тақдирида. Т: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976. – В.276
14. Кўшжонов М. Сайланма. Биринчи жилд. Т: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982.-
B.384
15. Qosimov A, Hamroqulov A, Xo’jayev S. Qiyoziy adabiyotshunoslik.- Т.: Barkamol Fayz Media, 2019. -
B.153.
16. <https://www.theclassroom.com/elements-modernism-american-literature-872.html>. Elements of Modernism in American Literature. Audrey Farley - Updated June 25, 2018.
17. http://knowledge.allbest.ru/literature/2c0b65635b3bc79a5c43a89421206c37_0.html

УЎК 81-13**НАМАНГАН ҚИПЧОҚ ШЕВАЛАРИ ФОНЕТИК-ФОНОЛОГИК ТИЗИМИДАГИ****УНДОШЛАРНИНГ ТАРИХИЙЛИК БЕЛГИЛАРИ*****И. Дарвишов, PhD, Наманган Давлат Университети, Наманган***

Аннотация. Мазкур мақолада Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит турк” асаридағи фонетик-фонологик назариялар асосида ҳозирги ўзбек тили ва Наманган қипчоқ шеваларининг айрим ундошлари қиёсланган.

Калит сўзлар: шева ареаллари, ундош товуши, ундош фонема, юмшоқлик ва қаттиқлиги, фонетик-фонологик жараёнлар, фонема варианти, анлаут, маъно фарқлаши, тиллар интеграцияси, артикуляцион позиция.

Аннотация. В данной статье на основе фонетико-фонологических теорий в работе Махмуда Кашибари “Девону луготит тюрк” проведено сравнение некоторых гласных современного узбекского языка и Наманганских кипчакских диалектов.

Ключевые слова: диалектные ареалы, области, согласный звук, согласная фонема, мягкость и твердость, фонетико-фонологические процессы, вариант фонемы, анлаут, дифференциация значений, интеграция языков, артикуляционная позиция.

Abstract. In this article, on the basis of phonetic and phonological theories in the work of Mahmud Kashgari "Devonl lugatit Turk", a comparison of some vowels of the modern Uzbek language and Namangan Kipchak dialects is made.

Key words: dialect areas, consonant sound, consonant phoneme, softness and hardness, phonetic-phonological processes, phoneme variant, anlaut, meaning differentiation, integration of languages, articulation position.

Маълумки, қадимги туркий тил ундошларининг қаттиқлиги (йўғонлиги) ва юмшоқлиги (ингичкалиги) билан эски туркий ва ҳозирги ўзбек тилидан кескин фарқланган.

Эски туркий тилда қ ва қ, ғ ва ғ каби икки жуфт ундош орасидагина қаттиқ-юмшоқлик фарқи сақланиб қолган холос. Бошқа ундошларда бундай ҳолат сезилмайди [1], бироқ Наманган қипчоқ шеваларига эски туркий тилнинг илк тараққиёт даврларидағи ундошлар таҳлилга [2] асосланган ҳолда фикр юритсак, н(нг) ундошининг юмшоқлик ва қаттиқлик жиҳатини кўрамиз.

Н (нг) – чукур тил орқа сонор товуши ўзбек тили қипчоқ шеваларидаги фонетик-фонологик сатҳида Қошғарий даври тили структурасидаги айрим унсурларини сақлаб қолган.